

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
86 ММИ
Директори 
М.Рахмонова



**Фаргона шаҳар 86 ёрдамчи маҳсус мактаб интернатига 2022-2023 йиллар қиши-куз мавсумига сабзи сотиб олиш бўйича
энг яхши таклиф**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўрикнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Махсулот микдори ва нархи бўйича маълумот

1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: 86 ММИ захирага сабзи сотиб олиш бўйича танлов ўтказиш
- 1.2. Танлов қиймати: 7400000 сўм
- 1.3. Махсулот бўйича сифатлилиги танлов хужжатларида илова қилинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш кун хисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фаргона шахар 86 ММИ(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Фаргона шахар Узбекистон овози 7 А.2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиши бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фаргона шахар 86 ёрдамчи маҳсус мактаб интернати “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтиослашган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги малакавий талаблар кўйилади:
 - танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
 - танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
 - Низом маблағи микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчилликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
 - кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - мол-мулки мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиши учун жойлаштириши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакқонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз тақлифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан иккниш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида иккниш кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси.
3. Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари ракамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солик идораларидан карздорлик йўклиги тўғрисида маълумотнома.

3. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

№	Малака талаблари	Бахолаш	Изоҳ
1.	Банк маълумотномаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Сабзи маҳсулотига мувофиқлиқ сертификат нусхаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Сабзи маҳсулотини ўз вактида етказиб бериш бўйича кафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Сабзи маҳсулоти сифатига кафолати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади

4. Фаргона шахар 86 ММИ сотиб олинадиган сабзи миқдори ва нархи

№	маҳсулот номи	Үл.бир	Сони	Нархи	Суммаси
1.	Сабзи	кг	2000	3700	7400000